

Жаҳонда Сўз



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

28 апрель, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 81 (1083)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBNI OLIY PAIRIGA

Жаноб Президент, Сизни Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан миллий Референдум муваффақиятли ўтгани ва Сизнинг ваколатларингиз 2000 йилгача узайтирилгани билан табриклаймиз. Ўзбекистон Республикаси халқининг бу қарори Сизнинг тажрибаңиз ва доно раҳбарлигингиздан далолат беради.

Сиз мураккаб ўтиш даврида мамлакатни иқтисодий ва сиёсий барқарорликка олиб бориш каби қийин вазифани муваффақиятли удаламоқдасиз. Сизнинг савб-ҳаракатларингиз натижасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий юксалиши ва фаровонлик сари одим ташламоқда. Бу чиндан ҳам тарихий ютуқдир.

Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш орқали Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўиши биз учун катта шарафдир.

Ташкилотимизни қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга ва ҳукуматингизга Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан миннатдорлик билдираман. Қўшма Штатларга яна ташириф буюрганнгизда Сиз жаноби олийларига миннатдорлигингизни изҳор этишдан хурсанд бўламиз. Сизнинг таширифингизни сабрсизлик билан кутамиз.

Самимий ҳурмат билан

Николас М. НИКАЗМЕРАД,
Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг президенти.



Қорақалпоғистон шаҳарлараро автомат телефон-телеграф станцияси алоқачилари бор имкониятлардан унмчи фойдаланиб, халққа намунали алоқа хизмати кўрсатмоқдалар. Айниқса, Нукус «Элект-роалоқа» бирлашмаси бу борада уларга яқиндан ёрдам берапти.

СУРАТДА: Станция мутахассисларидан бир суруҳи.

А. МУРОТОВ олган сурут.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

27 апрель кун Тошкент вилоят ҳоқимлигида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлди. Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда вилоят ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган тошқин, сел оқимлар ва кўчки ҳодисаларининг ол-

дини олиш юзасидан кўрилатган тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борада амалга оширилатган ижобий ишлар билан бирга йўл қўйиладиган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳоқими Э. Рўзиев сўзга чиқди.

(ЎЗА).

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси олдидан

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида саноқчи кулар қолди. Бутун республикамиз халқи сессияда кўриладиган масалалар ва уларнинг қай даражада ҳал этилишини орзиқиб кутмоқдалар.

Сессия кун тартибига қўйилган масалаларни қанчалик аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан атрофича кўриб чиқиш халқимиз вакиллари бўлган биз депутатларга боғлиқ. Маълумки, республикамиз ҳаётда илк бор депутатлар гуруҳи турли сиёсий партиялар вакиллари билан иборат бўлди. Лекин шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси юртимиз раванқи, халқимиз ҳаёти фаровонлиги йўлида яқдил бўлиб бормоқда. Бошқа айрим мамлакатлардаги каби турли томонга қараб тортаятганлар йўқ. Бу ҳам республикамиз Президентини ва ҳукуматининг биринчи сессияда одилона сиёсат олиб бераётганидан далолатдир.

Олий Мажлис депутатлари бўлиб ўтган биринчи сессиядаёқ аҳиллик, уюшқонлик намуналарини кўрсатишди. Шунинг учун биринчи сессия кўтарилган руҳда ўтди. Бир сўз билан айтганда, у мустақил республикамиз ҳаётда олға қараб

қўйилган яна бир дадил қарар бўлди. Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ҳам ишончим комилки, республикамиз ҳаётда муҳим воқеа бўлади. Кун тартибига киритилган масалалар эса долзарб ва муҳимлиги билан характерлидир. Менинг қасбим ўқитувчи бўлганлиги учун депутат йўлида, ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш билан бирга ёш авлоднинг мустақил ватанимизга садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама баркамол қилиб ўстиришни ўзимнинг масъулиятли бурчим деб ҳисоблайман. Шу нуқтан назардан қараганда ёшларни тарбиялаш борасида яхши ишлар бошланди. Республика Президентининг бу борадаги фармонлари, ўқитувчилар, зиёлиларга бериладиган имкониятлар шулар жумласидандир. Масалан, республикамиз Президентини Исрол Каримов

«Ўзбекистон келажаги буюк давлат», деб бежиз татқиқлаганлари йўқ. Келажагимизнинг буюк бўлиши кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қай даражада камол топишига боғлиқ. Шу боис ҳам биз ёшлар тарбиясига, уларнинг билим олишига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Яқинда бўладиган Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ҳақида гапирадиган бўлсам, мен унга фаҳр, ифтихор тўйғуси билан бирга жуда катта масъулият билан бораёман. Кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида ўз фикр-мулоҳазаларим билан фаол иштирок этмоқчиман. Халқимиз бизга ишониб ваколат берган экан, уларнинг ишончини оқлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Биз депутатлар истаёмизки, истаёмизки халқ вакиллари билан бирга жуда катта масъулият юклайди. Бунга эса бир дақиқа бўлса ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

Хасанбой ҚУРБОНАЛИЕВ,
Учўрғон туманидаги 20-урта мактаб директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

ЎЗБЕКИСТОН

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва УЗА мухбирлари кабар қиладилар

ТЕАТРИНИНГ ЯНГИ АСАРИ

Фарғона вилоят рус драма театри фашизм устидан қозонилган Галабининг 50 йиллигига бағишлаб чех ёзувчиси Славомир Мржежан қаламига мансуб «Чегараси уй» асарини томошабилар ҳужмига ҳавола этди.

Асар марказида оддий, камтарона оила тақдирини ётади. Урушнинг одамлар бошига келтирган қулфати, уларнинг турмушини издан чиқаргани ана шу оила мисолида талқин қилинади.

УЧ СМЕНАДА ИШЛАШАЯПТИ

Асакада Жанубий

Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан ҳамкорликда барпо этиладиган автомобил корхонаси қурилиши қизғин паллага кирди. Ҳозир республикамизнинг эллика яқин қурилиш ташкилотларидан 1800 нафар ишчи икки сменада пайвандловчилар эса уч сменада меҳнат қилишяпти

Сурутда: Кореялик мутахассис Хван Ден Ук.



ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистондаги илмий текшириш институтларининг олимларидан тузилган махсус шиқоркорлар гуруҳи Навоий вилоятининг Топди ва Учқудуқ туманлари аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказишга киришди.

Мутахассислар хоржида тайёрланган тиббиёт ускуналарига эга, Шиқоркорлар бу ерда икки ҳафта давомида тиббий хизмат кўрсатади.

АКЦИОНЕРЛАРГА ЁРДАМ

Республика давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг «Акционер учун маълумотнома» деб номланган янги наشري чиқа бошлади.

Малакали мутахассислар томонидан тайёрланган бу маълумотномада собиқ корхоналар негизда ташкил этилган, янги тузилган акционерлик жамиятларининг молия операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Маълумотнома мазкур масалада етарли билимга эга бўлмаган тадбиркорлар учун жуда асқотлади.

БАЛИҚ ОВИ БОШЛАНДИ

Қорақалпоғистон: «Қозоқ дарё» балик корхонаси жамоаси Орол денгизининг жанубий соҳилига тумани куларда балиқ овлашни қўзғатмоқда.

Улар жорий йилда давлатта 2,5 минг центнер пархез гўшт етказиб беришга аҳд қилган. Турт ой мобайнида етиштирилган маҳсулот режадан 50 центнер ортқ бўлди.

ЧЕВАР

Дилфуза Бобоназарова Яккабоғ тиккувчилик фабрикасида ишга келгани ҳақида кўп бўлгани йўқ. Лекин у қисқа давр ичида чеварлик сир-асрорларини ўрганиб олди. Кунлик режасини ҳам ортинги билан удалаяпти.

Сурутда Д. Бобоназарова.

ИТАЛИЯЛИКЛАР НАМАНГАНДА

Италия тадбиркорларининг катта гуруҳи Наманганга келди.

Улар бир қанча йирик корхоналар, деҳқончилик-саноат мажмуи фаолияти билан танишади. Делегация таркибиде Италиянинг тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, металлургия, мебел саноати, фармацевтика ва тиббий ускуналар ишлаб чиқариш билан банд бўлган ундан ортқ фирма ва компанияларининг вакиллари бор. Ташириф якулари бўйича Улар фойдали битимлар тузиш кўзда тутилган.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Польша Республикасининг ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазири Янек Бухач раҳбарлигидаги Польша ишбилармонлари делегацияси мамлакатимизга ташириф буюрди. «Ўзбекистурим» миллий компаниясида икки мамлакат ишбилармон доираларининг ўзаро учрашуви бўлди.

Учрашуви республика Бош вазири ўринбосари Уткир Султонов кириш сўзи билан очиди.

— Иқтисодий алоқаларимизнинг янги даври Президент Исрол Каримовнинг яқинда Польшага расмий ташириф натижасида бошланди, — деди У. Султонов. — Польша биз учун ишончли ҳамкорига бўлиб қолмай, балки Европа иқтисодий жараёнига янада яқинлашувини мақсад муҳим давлат ҳам ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар доимо яхши бўлиб келган. Келажакда улар яна ҳам ривожланиб боради. Ўзбекистон ва Польша ўртасида товар айрбашлаш ҳамжамининг кун сайин ортиб бораётгани эса алоқаларимиз ис-

тиқболи порлоқ эканидан дарак беради.

Жаноб Янек Бухач ишбилармонлар учрашуви икки мамлакат иқтисодий муносабатлари ривожига муҳим ўрин тутишини татқиқлади. Меҳмонларга республика банкларининг фаолияти, ҳукуматнинг молия-кредит сиёсати, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзлаб берилди.

Икки мамлакат ишбилармонларининг мунозаралари бошланди. Унда Польшадаги йиғирмага яқин етакчи фирма ва банк раҳбарлари Ўзбекистонлик ҳамкасбалари билан фикр алмашдилар. Учрашувада Ўзбекистон-Польша иқтисодий алоқаларининг бугунги ҳолати, унинг келажакдаги истиқболлари муҳокама этилди.

Учрашув қатнашчилари енгил саноат, энергетика ва қурилиш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва савдо ҳамда банк фаолияти тўғрисида бўлиниб, манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

(ЎЗА).

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

27 апрель кунини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Уткир Султонов Польша ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазири Янек Бухач билан учрашди.

У. Султонов ўзаро суҳбат чоғида, Ўзбекистон ва Польша пахта толаси, озиқ-овқат, енгил саноат моллари, машинасозлик ва бошқа соҳаларда азалдан ҳамкорлик қилиб келганини татқиқлаб, ушбу алоқаларни ривожлантириш учун айни пайтда кенг имкониятлар мавжудлигини айтди.

Мамлакатларимизнинг бозор иқтисодига асосланган жамият қуришда тугган йўлнинг бир-бирга уйғурилиши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни тақозо этади, деди Я. Бухач. — Азалдан Ўзбекистон пахтасида иқтисослашган Польша енгил саноати бугунги кунда мазкур ашёга катта эҳтиёж сезаётир. Биз республикамиз билан нафақат пахта толаси, балки халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз.

Учрашувада икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик режалари ҳақида фикрлашиб олинди.

(ЎЗА).

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Прокуратураси ва унинг жойлардаги тармоқларида 1941-1945 йиллардаги урушда қозонилган Галабининг 50 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Тошкент транспорт институтига уюштирилган «Ватанга садоқат» мавзусидаги учрашув ҳам шулар жумласидандир.

Учрашувада республика Прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазири Идрораловлар кўп йиллар самарали меҳнат қилган Р. Мухамедов, В. Карташов, Б. Усмонов ҳамда Т. Қодирова талабаларга фронт хотиралари ва ҳаёт йўллари, самарали меҳнат йиллари тўғрисида сўзлаб берди. Бугунги кунда мамлакатимизда қонунчилигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар хусусида мазмуни суҳбат уюштирилди.

«БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ» ТУРНИРИ ОЛДИДАН

Келаси ҳафтанин охирида пойтахтимизда теннис бўйича «Буюк ипак йўли» сателлит турнири бошланади. Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги мажлислар залида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазири, мамлакат теннис федерацияси президенти Шавкат Каримов журналистлар билан учрашув чоғида «Буюк ипак йўли» сателлит мусобақаси ва «Президент кубоғи» халқаро турнирининг аҳамияти ҳамда унга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапирди. Шунингдек, теннис федерацияси президенти сателлит турнирида қайси мамлакат спортчилари қатнашиши, муносабатини ўтказиш тартиби ҳақида ахборот берди ва журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди. «Буюк ипак йўли» сателлит мусобақаси Тошкентдаги «Динамо» уйи охирида (6-13 май)

бошланади. Унинг иккинчи босқичи Самарқандда (13-20 май), учинчи босқичи эса Фарғонада ўтказилиши режалаштирилган. «Буюк ипак йўли»нинг финал босқичи, яъни «Мастерс» турнири 28 май — 4 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Юнусов» теннис кортиларида ўтказилади.

Учрашувада теннис бўйича «Президент кубоғи» аниқланган халқаро турнири 26 августдан 3 сентябрга қадар давом этиши маълум қилинди. Бу халқаро мусобақага тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилган. Унга Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошчилик қилмоқда.

Р. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯПОНИЯ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг тақлифига биноан Япониянинг Фукусима префектурасидан бир гуруҳ шиқоркорлар келди. Сафардан кўзда тутилган мақсад она ва сота силоватининг муҳофаза қилиш соҳисиде республикамиз шиқоркорлари тулган тажрибани ўрганишдир. Япониялик шиқоркорлар Тошкентдаги бир қанча етакчи давлатчи муассасаларида, туман поликлиникаларида бўлидилар. Меҳмонлар ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ёш авлодини соғломлаштиришга қаратилган фаолиятига айланиш кизиқиш билан қарашмоқда.

Шиқоркорлар гуруҳига Фукусима префектураси тиббиёт ходимлари касаб ва уюшмасининг раиси ва айни пайтда «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмасининг директори Сисидо Тосио бошчилик қилмоқда. Маданий-маърифий алоқалар уюшмасида уюшма фаоллари билан бўлган учрашувада Сисидо Тосио ўз ташкилотини Ўзбекистон билан Япониянинг барча йўналишдаги мутахассислари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши юзасидан амалга ошириладиган иш ҳақида сўзлаб берди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 27 апрель кунини бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банк иштирок этди.

Сотув ҳажми 13,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,30 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 28 апрелдан бошлаб ҳисоб ва боқона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

1 Австралия доллари	19,11	1 Ирландия фунти	43,02
1 Австрия шиллинги	2,73	1 Исландия кронаси	0,42
1 Англия фунт	—	10 Италия песети	2,15
1 Бразилия реал	42,52	100 Италия лираси	1,55
10 Бельгия франки	9,35	1 Канада доллари	19,31
1 Голландия гульдени	17,17	1 Кувайт динари	90,10
10 Греция драҳми	1,18	100 Ливан фунти	1,61
1 Дания кронаси	4,89	1 Германия маркаси	19,24
1 АҚШ доллари	26,30	1 Норвегия кронаси	4,27
1 Миср фунти	7,71	10 Португалия эскудоси	1,82

1 Сингапур доллари	18,87	1000 Россия рубли	5,18
1000 Туркия лираси	0,82	1 Эстония кронаси	2,41
1 Финляндия маркаси	6,22	1000 Украина карбованци	0,20
4 Франция франки	5,43	1 Латвия лати	52,88
1 Швеция кронаси	3,61	1 Литва лати	6,58
1 Швейцария франки	23,32	1 Қозғистон тенгеси	0,42
1 ЭКПО	35,11	1 Молдова лейи	5,82
1 Япония иенаси	3,15	1000 Беларус рубли	2,29

Марказий банк 1995 йил 28 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тақриб қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,30 сўм.
— Сотиб қилиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,30 сўм.
Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан эсита ҳақи олинди.
*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕАЛАР

Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика ресурслари

Кўкдумалоқ

Муборакдан чиқиб бепойи дашти тасмадек қоқ иккига бўлган текис асфальт йўлдан енгил машинада бир соатлар чамаси порангиз, Зеварда кўрғонига етасиз. Бу ердан Кўкдумалоққа 20 чақирим.

Зевардадан бундан ўн йилча аввал конденсатга бой газ кони очилган эди.— деди ҳамроҳимиз, Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг бош мутахассиси Камол Эрназаров.— Ҳозир ушбу маконда муҳандислик иншоотлари барпо этилган. Юқори кучли электр қувватини чор-атрофдаги конларга тарқатганда кичик станция ишлаб турибди. Газдан конденсатни ажратадиган, бу хомашё ва Кўкдумалоқ нефтини қувурлар орқали Қоровулбозорга узатилган замонавий курилмалар эса жаддал қад ростламоқда.



Бирламчи вазибалар сирасига киритилди. Натيجала Кўкдумалоқ нефть конини ишта тушириши, ана шу мавбада нефтини қайта ишлаш заводи барпо этиш бўйича дастлабки қадам қўйилди.

Кўкдумалоқ асдида кенг бир сайхонлик. Кумтепа ва барханлар оралиғидagi мазкур жой ям-яшил майсалар билан қоплангани ҳамда думалоқ шаклида бўлгани учун қачонлардир чорвалдорлар «Кўкдумалоқ» деб аташган-у, бу ном ҳозирга қалар сақланиб келмоқда. Ана шу йилда бир пайтлар сурув-сурув қўйлар яйраб юрган бўлса, эндиликда бу ерда тикланган ўзига хос шаҳарчада қувурчилар, пудратчи ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, механикаторлар, ҳайдовчилар, геологлар, қидирувчилар ва мутахассислар истиқомат қилмоқдалар. «Ўзига хос» деганимизнинг маъноси шунки, шаҳарча вагон-уйлардан, ёғоч ва гиштнинг иморатлардан иборат.

Илгари матбуотда хабар қилингандек, геологлар газ конларини қидириш жараёнида 1987 йили Кўкдумалоқда илк марта кучли нефть оқими ҳам дуч келишди. 1989 йили эса собиқ Иттифоқнинг Ер ости қазилма бойликлари захираларини аниқлаш давлат кўмитаси мутахассислари янги конда бехисоб ёнилғи хомашёси борлигини аниқлаб берди. Шундан қийин, авваллари фақат чўпон-чўликларгагина маълум бўлган бу йилнинг дони бу тун дунёга ёйилди. Жаҳон қазилма бойликлари харитасида эса «Кўкдумалоқ» атамаси муҳрланган, у мутахассислар ўртасида тўла ташаббус.

Собиқ СССР ҳукумати, ҳусусан, Газ санаети вазириликни Марказга «сангори олов» оқидан қувурларнинг тўла қуваёт билан ишлашига киришди. Кўкдумалоқ нефть конини ўзлаштириш учун эса жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши лозим эди.

Ўзбекистон истиқлолни кўлга киритган, республикамиз Президентини ёнилғи-энергетика мустақиллиги, яъни иқтисодий мустақиллигини таъминлашда туриб, сиёсий мустақилликка эришиб бўлмаслигини дангал айтди. Ва бунини

миқдори ошишини назарда тутиб, Кўкдумалоқ — Қоровулбозор йўналишида конденсат қувури йўлини қуриш гоёсини илгари сурдилар. Қоровулбозорда эса йилга бир неча миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга завод барпо этилаётди. Бу билан мамлакатимизда бензин таъминоти тўла йўлга қўйилди, транспорт ҳаражатлари кескин қамаяди, исрофгарчиликлар барҳам топади.

— Кўкдумалоқда ҳозиргача 63 та нефть қудуғи қазилди, — деб сўзини давом эттирди Равшан Тангриев.— Улардан бир неча-кундузда нефть қазиб олинди, қувурлардан оқизилаетди. Биласизми, ер қаъридаги нефть, конденсат ва газ тартибда сув, бошқа турли ифлосликлар бўлади. Шунинг учун хомашёни қайта ишлаш корхоналарига жўнатиш, яъни қувурларга оқизилдан олдин уни тозалаш лозим. Шу мақсадда Зевардага газни комплекслек тайёрлайдиган курилмалар ишта туширилди. Унинг ёнида эса нефтни тозалайдиган жиҳозлар тикланди.


Кўкдумалоқ конида иш ҳажми ва кўлами кун сайин кенгайтирилмоқда. Нефть ва газ олинаятган ер ости қатламларини сув билан тўлдириб бошириш тадбирлари қўрилмоқда. Конденсат самаралорининг ошириш учун қудуқларнинг пастки қатламига юқори босим ёрдамида қуруқ газ юбориш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ерда ўнлаб тиклаш ва қурилиш ташкилотлари: бош пудратчи — «Бухорогазсанает-қурилиш» трестининг 1,6 ва 7-бошқармалари, «Муборакнефтьгазмонтаж» трестининг 1,4 ва 5-бошқармалари, «Қаршиқурилиш» бирлашмасининг қатор бўлимлари ишчи-хизматчилари, мутахассислар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Чунки, «Қашқадарёнефтьгазмонтаж» трестининг бўёбдорлари кучи билан улкан иш-шоот қуришмоқда. Ушбу қурилмаларнинг биринчи навбати яқин кунларда ишта тушириш чоралари қўрилаётди.

Бундан ташқари, Муборак газни қайта ишлаш заводини газ билан узлуксиз таъминлаш учун 28 километрик масофага қувур ётқизилмоқда. Қоровулбозор темир йўли бекатида эса нефть ва конденсатни вагонларга юклайдиган қурилиш майдонлари бунёд этилди, насослар, турли асбоб-ускуналар ўрнатилди.

— Утган йили жами 131 яқин кунларда миллион 846 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, қарий 90 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди, — деди Камол Эрназаров. — Ҳозир йилда эса ана шу кўрсаткич мутаносиб равишда 205,6 миллион ва 100 миллион сўмлик бўлади.

Икром ЎТБОСАРОВ, Пўлат ГАДОВ, «Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.



Яқинда Чувашистон ҳукумати делегацияси Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Меҳмонлар санает корхоналари иши билан танишдилар. Вилоятнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Сўнг улар уруш қатнашчиларига ўрнатилган ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйишди. СУРАТДА: меҳмонлар Фарғона электр тармоғи бошқармасида.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

Биз ва жаҳон

БУ ЙУРТДА ВАҚТНИ ҚАДРЛАШАДИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустақкамаш йўлида катта ишлар олиб бораётган, бозор иқтисодиётига бошқима-бошқича ўтаётган бир пайтда ҳаримиз давлатлар, қўлаб халқаро ташкилотлар биз билан ҳамкорлик қилишга иштимоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ЮНЕСКО, ЮНИДО, дунё банк ва бошқа халқаро ташкилотлар шулар жумласидандир.

Булар, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Юртбошимизнинг саяё-ҳарава ойда имзоланган ана шу шартномада консорциум тартибдаги АКШнинг «Дрессер Индустри» ҳамда Япониянинг «Нишо иван» корпорациялари компрессор ускуналарини етказиб бериши кўзда тутилган эди. Бу эса Кўкдумалоқ конидан олинган газ конденсатни ҳажмини ошириш ва мамлакатимиз учун газ импортини қаматириш имконини берди. «Сайклинг-процесс» технологиясига асосланган мазкур компрессор ускуналаридан фойдаланиш тўғрисида йилга қўшимча 2,5 миллион тонна газ конденсат олиниб, 30 миллион АКШ доллари миқдоридagi маблағ тежалади.

Лойиҳани амалга ошириш учун жами 163 миллион доллар сарфланади. Бу ишда АКШ ва Япониянинг экспорт-импорт банклари, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иштирок этмоқда.

Ҳар иккала томон учун ҳам фойдаланиш бўлиб ҳамкорлик тез орада ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Икром ЎТБОСАРОВ, Пўлат ГАДОВ, «Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.

ҳарнинг иккинчи ўринда турувчи муҳим ҳўжалик тармоғи туризмдир.

Бу ерда «Вашингтон пост», «Вашингтон таймс» каби бир неча газеталар чиқади. Пойтахтнинг қўлаб олий ўқув даргоҳлари орасида Жоржтаун Университети, Жорж Вашингтон номи университети, Говард университети, Америка университети ва Жонс Хоккинс номи университети қошидаги замонавий халқаро изланувлар мактабини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойлари сирасида Смитсон институти ва унинг таркибидagi музейлар, Линкольн ва Жефферсон мемориали, Жоржтаун райони, Капитолий биноси, Конгресс кутубхонаси, Миллий архив ва Олий суд бинолари кирди.

Америкаликлар доим янгиланувчи, ўзгарувчи, ривожланувчи, кўп миллатли жамяят аъзоси эканлигини фахрланиб юрадилар. Ҳақиқатан ҳам бу мамлакатда дунёнинг деярли барча миллатлари истиқомат қилади.

Америка аҳолисининг талайгина қисмини негрлар ташкил қилади. Уларнинг келиб чиқиши африкалик бўлган америкаликлар дейишди. Вашингтон шаҳрининг мэри ҳам қора танлидир. Аҳоли турли динларга мансуб. Фақатгина Вашингтоннинг ўзида католик, епископаль, православ, лютеран, методистлар, урианларнинг черковлари, будда ибодатхонаси ва мусулмонларнинг мечитлари мавжуд.

Элатиб ўтаман, ҳисобчилар маълум бир ой учун даромад солиғи ҳисоблаётганларида энг кам иш ҳақини, солиқ солинаётган минимуми ва илгари тўланган солиқларни йил бошидан бошлаб жамланган ҳолда қўлашга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Кейинги ойларда ҳам жисмоний шахслардан даромад солиғи шу тартибда ундирилади. Қуйида илова қилинган даромад солиғи ставкалари бунда сизга қўлланма вазифини утайди:

Table with 2 columns: Soliқ миқдори (Income tax rate) and Soliқ миқдори (Income tax rate). It lists various income brackets and their corresponding tax rates, such as 15% for income up to 150,000 soums and 30% for income up to 500,000 soums.

Сוליқ солиш жараёнида солиқ солинаётган минимум ва энг кам ойлук иш ҳақи миқдорлари йил бошидан жамланган, Усиб борувчи яқун буйича ҳисобга олинади (йил бошидан буйун ўтган ойларидаги солиққа тўрттинийдан минимум йилнинг илгиндиси, ўтган ойларидаги энг кам ойлук иш ҳақи миқдорлари йилнинг илгиндиси).

УРУШ НОГИРОНЛАРИГА АРАВАЧАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳар Миробод тумани ижтимоий таъминот бўлимида 50 йиллик олдидан фашизмга қарши уруш ногиронларига махсус аравачалар тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.



Пойтахтимизда истиқомат қилинаётган 15 нафар ногирон кишига Германиянинг «Майра» фирмаси махсуслаштирилган ногиронлар аравачалари соғла қилинди. Соғлағлари республика ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоков ва «Майра» фирмасининг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича вакили Герд Бенке муҳтож кишиларга топширилди.

— Директорингиз тўртинчи марта келишим — дейди биз билан суҳбатда жаноб Бенке. — Бу сафар кўриб турибсизларки, қурак келмади. Агар ушбу соғлағларимиз билан фашизмга қарши уруш ногиронларига қайсибир маънода ёрдам беролган бўлса, биз ўзининг бахтиёр ҳисоблаймиз. Бугунги топширилган ногиронлар аравачалари шартномада белгиланган дастлабки партия мажмуотларидир. Биз нафақат ногиронлар аравачаси етказиб бериш юзасидан, балки шу ернинг ўзида бундай аравачаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳам шартнома тўлиқ.

— Дунёнинг тинч бўлиши. Бизни эслатганларнинг умри узок бўлиши, — дея дуо қилди Собир Раҳимов туманилик уруш ногирони, Сталинград озодлиги учун жанглар қатнашчиси Сунатилло Эргашев. — Биз уруш қатнашчилари ва ногиронлари учун ҳўкуматимиз қилиётган ҳаққўрликлардан гоётда миннатдорлик ва бунинг учун кўпдан-кўп рақматлар айтмайми.

Миробод тумани ижтимоий таъминот бўлимида ўтган аравачалар уруш ногиронлари учун аталган соғлағларнинг биринчи партияси халос. Бундай соғлағлар республикамизнинг барча вилоятларида ҳам топширилади.

Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИФАТСИЗ МАХСУПОТ УЧУН ЖАРИМА

Жиззах ип йиғирув фабрикаси андоза талабларига жавоб бермайдиган қалавини сотгани учун 49 минг сўм жарима тўлади. Ишлаб чиқариш мудири эса, Жиззах шаҳар ҳўкимлигининг маъмурий комиссияси олдида жавоб беради — текшириш натижалари шу комиссияга юборилди.

Фарғона вилоятидаги Евёнов ном комбинатига тайёрланаётган олий навли буддой номи мейёрга мулкно хос эмас. «Ўздавстандарт» ходимлари текшириш чоғида олти юзтадан кўпроқ қопида пиширилган ноннинг вазири ҳам, ташқи кўриниши ҳам андоза талабларидан паст эканини аниқладилар. Андоза талабларига мос келмайдиган махсусот чиқаргани учун корхонага жарима солинди, вази кам ноини сотиш тақиқланди.

Мутахассис билан мусохаба

ДАРОМАД ВА СОЛИҚ: У ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Маълумки, 1995 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролари бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи ставкалари ва уларни қўлаш тартибига амалдаги қонуничиликка мувофиқ баъзи ўзгаришлар киритилди.

Фуқаролар ва корхона-ташкилотларнинг ҳисобчиларидан келатган кўп сонли илтимос ва саволларга аниқлик киритиш мақсадида биз Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг муовини Ш. Ўрибояевдан ушбу ўзгаришларни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролар ва фуқаролари бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисидаги қонунига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги қарори ва республикамиз Президентининг 1995 йил 24 февралдаги Фармонига мувофиқ фуқаролар даромадларидан олинган даромад солиқ ставкалари ва тартибиди ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларнинг бўйича шу йил 10 мартда Молия вазирилик ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг қўламини хати чиққан ва корхона-ташкилотларнинг ҳисобчилари ушдан фойдаланишлари мумкин. Ушбу янги солиқ тартибини тайёрлашда фуқароларнинг турли тоифалари даромадининг солиққа тортиш билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, муаллифлик ҳақи олувчи, қишлоқ ҳўжалигинда ишловчи фуқароларни олайлик. Уларнинг даромади барча ойларга тенг миқдорда бўлиган эмас, улар бир-икки, ҳатто етти-саккиз ойда бир марта, бироқ, катта миқдорда даромад олинади. Шу ўринда уларга ойлук солиқ ставкалари қўлалиниб, бу даромаднинг катта қисми солиқ тартибини олиб қўйилди. Даромад солиғининг ҳозирги тартибиди кура эса фуқаролардан ҳар ойда, бироқ, йил бошидан буйун олган даромадларини жамлаб ва ушдан ўтган ойларида тўланган солиқлар ҳамда солиқ солинаётган минимумлар йилнинг илгиндиси айниб ташлаган ҳолда солиқ ундирилади.

— Шерҳўмамад Ўрибояев, ушбу ўзгаришлар фуқароларимизга янада тушунарлироқ бўлиши учун аниқ мисоллар ва рақамлар билан шарҳлаб ўтасиз.

— Масалан, сизнинг январь-апрель ойлари мобайнидаги тўрт ойлук даромадларингиз 600+650+850+900=3000 сўм. Бу 3000 сўм даромадидан апрель ойида олинган даромад солиғи ҳўзир ҳисоблаб чиқамиз. Даромад солиғи ставкалари апрель ойида қуйидагича бўлади.

Table with 2 columns: Soliқ миқдори (Income tax rate) and Soliқ миқдори (Income tax rate). It lists income brackets and their corresponding tax rates, such as 15% for income up to 150,000 soums and 30% for income up to 500,000 soums.

Бу жадвални соддароқ қилиб тушутирадиган бўлсақ, биринчи навбатда: А) Солиққа тортилмайдиган минимумни ҳисоблаймиз: 100+100+300+300=800 сўм; Б) Утган ойларидаги энг кам иш ҳақи йилнинг илгиндиси топамиз: 100+100+150+150=500 сўм; В) Утган ойларида ушланган солиқлар йилнинг илгиндиси аниқлашди: 105+122,5+102,5=330 сўм. Энди тўрт ойлук даромадингиз 3000 сўмдан тўрт ойлук солиққа тортилмайдиган минимум 800 сўмини айиримиз, 2200 сўм қолади. Мана шу 2200 сўмдан даромад солиғи ҳисобланади. Бу қай тартибда бўлади? Энг кам иш ҳақининг икки баробари (500x2=1000) миқдоридagi даромадингиздан 15 фоизлик ставка бўйича солиқ ундирилади. Бу 1000 сўмдан 150 сўм дегани. Демак, 2200 сўмнинг 1000 сўмидан 150 сўм солиқ олинади. Қолган 1200 сўмдан эса 25 фоизлик ставка бўйича солиқ ундирилади. Бу 300 сўм дегани. Жами солиқ 150+300=450 сўмини ташкил этди. Яъни, тўрт ой мобайнида олган маошнинг жами 3000 сўм бўлган тақдирда олинган солиқ 450 сўмини ёки даромадининг 15 фоизини ташкил этипти, холос. Энди 450 сўмдан ўтган ойларида ушлаб қолган солиқлар йилнинг илгиндиси 330 сўмини айиримиз. Демак, апрель ойида сиздан ундириладиган даромад солиғи 120 сўмини ташкил этади.

(ЎЗА).

ОТАМ ҲАҚИДА СЎЗ

Дадам, «Уруш бошланган кундан оқибатимни сафарбар деб эълон қилдим. Гитлерчи-фашист боқинчиларга қарши шеър солдатларини шайлангирдим», деган эдилар.

Бу гап жуда тўғри эди. Дарҳақиқат 1941 йил 25 июнда «Одамлар ўртасида», яна бир кун ўтиб эса «Мен яхудий», ундан кейинроқ «Кузатиш» шеърларини ёзгандилар. Айниқса, «Халқ отланди» шеъри омма орасида машҳур бўлиб кетди.

Уша кезларда тоғам Жўраҳон Хайруллаев 17 ёшда бўлишларига қарамай, «кўнглили» бўлиб урушга бораман, деб ҳарбий бошқармага ариза берадилар. Лекин «ёш экансан, бизда ҳаттот бўлиб ишлаб тур», дейишди, арзларини инобатга олишмади. Аммо тоғам устма-уст ариза ёзавериб, август ойидаёқ урушга кетиб қолган эканлар. Уша воқеага бағишлаб дадам «Кузатиш» шеърини ёздилар. Уларни ҳам урушга бормоқчи бўлиб ҳарбий тайёрловга қатнаб юрганлар.

Дадам урушга, немис фашистларига бўлган нафратларини ҳозиржавоблик билан газеталарда эълон қи-



либ, радиоларда ўқиб, халқни жанг майдонида ҳам, фронт ортда ҳам жасоратга руҳлантирганлар. «Мен яхудий» шеърини ўқиган Илья Эренбург «Гитлер яхудийларни нишонга олган кунларда зўравон қонхўрнинг башарасига тикка мен яхудий, дея мағрур хитол қилган шоир чиқди. Бу — ўзбек Ғофур Гулом эди», дегани бежиз эмас, албатта.

1941 йилнинг кузида уруш майдонларидан отанасиз етим қолган болалар Тошкентга олиб келин-

ганда дадам давлат раҳбарлари билан темир йул вокзалига чиқиб, уларни ку-

тиб оладилар. Бу воқеа дадани ларзага солади. Бир неча кун шеър ёзишга тутинадилар. Неча-неча қоралама варақларни ўзларига ёқмай, йиртиб ташлайдилар. Охири, «Сен етим эмассан» шеъри ёзилади. Бу шеърнинг қораламаси, ҳали эълон қилинмаган бир неча нусхалари аямда сақланади.

1942 йилнинг қишида дадам бир ғуруҳ шоир-ёзувчилар, ҳофизлар, бастакорлар билан жангчиларга совга олиб борганлар. Жанг майдонларида Ватан ҳи-

моячилари билан жуда кўп учрашувлар бўлган. Уруш даҳшатларини ўз кўзлари билан кўриб, «Талон-ғарож қилинган ерда», «Салом ва табрик», «Мард йигитлар қаноти» шеърларини ўша ерда ёзиб, ўқиб берадилар. Урушнинг нақадар даҳшатли эканлигини, не-не йигитларимизни ютиб юборганлигини дадам кейинчалик ҳам армон билан эслаб юрдилар.

1943 йили Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Урушдан қисқа фурсатга ўқишга келган Собир Раҳимов ҳам Москвада экан. У дадам билан учрашиб, суҳбатлашди. Икки ўртадаги мароқли ва ширин учрашув кейинчалик Яшин ақанинг эсдаликларидан жой олган. Уша кун меҳмонхонада дадам, Собир Раҳимов, Яшин ака уруш ҳақида фикрлашиб, тонгорт қилишган. Генерал ўшанда кўриб турганингиз ўзининг суратини дадамларга дастхати билан тақдим қилган экан.

Эрталаб генерални кузатиб кўнглиларидан кейин дадам Яшин акага «Яшин, биринчи генералимиз ҳақида каттароқ асар ёзсанг-



чи» деганлар. Шу тариқа «Собир Раҳимов» пьесаси ёзилган. Генерал билан бўлган учрашувнинг сўнги эканини эса на дадам, на Яшин ака билмаганлар. Қаранг, орадан 52 йил ўтибди. Қанча-қанча унутилмас воқеалар юз берди. Алолат ва жасорат ғалаба қилди. Халқимизнинг икки буюк фарзанди — бири шеърят боғида устоз, бири саркардалик илмида устоз бўлишлар абадиятга бош қўйиб кетганларига ҳам анча йиллар бўлди. Уларнинг орзуси Ватанимиз овоз, обод, мустақил кўриш эди. Орзулари ушалди.

Мана шу байрам, Ғалабанинг 50 йиллиги кунларидан уларнинг руҳлари Ватанимиз тинчлигидан, ободлигидан, мустақиллигидан, халқимизнинг хуррамлигидан шод бўлаяпти, назаримда.

ОЛМОС.

ЮРТИМ, БЎЙИ-БАСТИНГГА КЎЗ ТЕГМАСИН ҲЕЧ ҚАЧОН

ШУКРОНА

Суюқ сақлаб келдик биз, мум тишладик қанча пайт, Босиб ўтган йўлинигиз этолмадик ҳатто қайд, Истиклол шарофати-бисотининг энди айт. Бу кун сени тан олмиш бу дунё, жумла жаҳон,

Юртим бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон. Темур бобом тўйингга от миниб кириб келди, Баҳовуддин Нақшбанд, ўй-ҳаёл суриб келди, Улугбек, Мирзо Бобур дунёни кўриб келди,

Сафдошлар қаторида доимо бўл соғ-омон, Юртим бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон. Кўзларим қамаштирар эл кўрки, латофати, Чиройи чиройи кўшгай хурлиқинг таровати,

Меҳр-шафқат кўрсатмоқ халқинг азал одати. Боболардан меросидир мангу шуҳрат, мангу шон, Юртим бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон. Армонларим ушалиб истиклол, толе қулди,


Ғанимларинг чидолмай, аламдан бағрин тилди, Сени овоз кўрмоқлик муродим ҳосил бўлди. Қўлни очиб дуога Исмомил дегай ҳар он: Юртим бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон.

АМИР ТЕМУР БОБО

Мустаҳкам ўрнингиз бордир ҳаётда, Номингиз барҳаёт тарихда, ёдда, Умрингиз ўтгандир улвода, отда, Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо.

Бошланса ҳам киргин, қиёмат-қойим, Зиёли бўлгандир иззатда доим, Шундай асрагандир Сизни худойим, Авлиёлар бари Сизга пир, бобо.

Ҳар қадамда эл-юрт амрин қилгансиз, Ғанимларинг муродим бағрин тилгансиз, Ҳар соҳани санъат дея билгансиз, Санаб бўлмас барин бирма-бир, бобо.



Қаттиқ бўлган дерлар меҳр, қаҳрингиз, Ғузалик очгандир дили баҳрингиз, Мангудан сўзлагай «Тузуқлар»нингиз, Мунда борми айтнинг бирор сир, бобо.

Йўлдош бўлган ҳар он ғалаба, зафар, Йўлларга тўшалган бойлик, сиймузар, Юртга Сиз қайтдингиз голиб, музаффар, Бугун бизни қутлар осмон, ер, бобо.

ЭМАСМАН

Қора тун чекинди, оппоқ тонг отди, Саболар эсиб хур борни уйғотди, Кўксимда ғам, алам лекин муз қотди, Кўз қишини мен ўйлаб толган эмасман.

Яшадим ҳижронлар бағрини ўйиб, Айтларим ҳар сўзни эзгуга ўйиб, Йилғамини келади баъзида тўйиб, Ташвишини мен ўйлаб толган эмасман.

Ўзимча ўй сурдим шириндан-ширин, Ҳеч англаб етмадим бу ҳаёт сирин, Ҳасратлар тубида ётган ишқини Турмушини мен ўйлаб толган эмасман.

Қадмдан дуч келар мунофиқ, гумроҳ, Ҳатто туққанга қазигаидир чоҳ, Номард қаршида ночор қолдим гоҳ, Бу ишни мен ўйлаб толган эмасман.

Юзини очмади чин эзгу ҳаёли, Жавобин топмади минг сўроқ, савол, Одамлар умрига бўлгучи завоёл Урушини мен ўйлаб толган эмасман.

Шон-шуҳрат бизларга отадан мерос, Ёвқурлик, ботирлик боболарга хос, Ўшаймиш улларга қўйганча илҳос, Ўтмишини мен ўйлаб толган эмасман.

Давронлар сурдик рост, шукрлар айта, Тўғри, гоҳ нотўғри фикрлар айта, Тарихдир ўтган кун, мазийни қайта Қуришини мен ўйлаб толган эмасман.

Майли дўст, атрофга хушёр бок, интил, Самовий хисларга ошно бўлсин дил, Бу фаний дунёни ўтқинчи деб бил, Кетишини мен ўйлаб толган эмасман. Исмомил ТЎХТАМИШЕВ.

Орзуга айб йўқ

Хўжайиннинг ёши нечада?

Сўнги пайтларда республикамизнинг кўпгина ҳудудларида тарихий, миллий-маданий ва маънавий меросимизни ўргатишга бағишланган халма-хал тадбирлар тез-тез ўтказилиб турибди. Шундай тадбирлардан бири яқинда Хўжайли туманида ҳам бўлди.

«Хўжайли — Қорақалпоғистон Республикасининг энг қадимий шаҳридир» мавзусида ўтказилган анжуманда кўплаб тарихчи, қадимшунос олимлар, зиёлилар, маҳаллий фаоллар катнашдилар. Анжуман давомида муҳбиримиз Хўжайли шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Тождидин Уснатдинов билан мулоқотда бўлиб, мазкур тадбир ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қўзғиди.

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир — деган эди, улуг ёзувчиларимиздан бири Абдулла Кодирий. Мустиқиллик шарофати туйғайли халқимизнинг ўз тарихига, маданий меросига муносабати ўзгарди. Бу борада, яъни миллий-маданий меросимизни тиклаш, ўтмишимиздаги «ок доғлар»нинг ўрнини тўлғашиш бўйича сўнги йилларда Қорақалпоғистонда, шу жумладан бизнинг Хўжайли тумани, Хўжайли шаҳрида ҳам муҳим тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Тарих, Археология ва этнография институти, Қорақалпоғистон Республикаси «Едгорлик» жамияти Кенгаши, Хўжайли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил қилинган мазкур илмий-амалий анжуман ҳам ушбу йўналиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг бир далилидир.

Айтиш жоизки, илмий анжуман мавзуси бекор танланмаган. Сабаби Қорақалпоғистон тарихида Хўжайли шаҳрининг ҳам, Хўжайли одамларининг ҳам ўзига хос бир бетакдор ўрни бор. Шаҳримиз ўзининг улкан тарихига, катта маданий меросига, бекиёс меъморчилик мажмуаларига, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган маҳаллий афсоналарга, урф-одатларга, диний пeshволарига ва қаҳрамонларига эга.

Урта асрлардаги Буюк ипак йўлининг бўйига, улуг Хоразмшоҳлар давлати пойтахти кўна Урганчдан бори-йўғи 20-25 чакирман масофада жойлашган шаҳримиз базан Амударё оқимининг ўзгариши, базан эса бошқа сабаблар билан бир неча марта ўз ўрнини ўзгартирган.

Эраמידан олдинги даврларда у Антиохия деб аталиб келган бўлса, ўрта асрларда Миздақон, кейин Гаур қалъа номлари билан маълум бўлган. Шайбонийлар ва улардан кейинги хонлар давридан бошлаб ҳозирги номи билан аталган.

Шаҳримиз ўзининг узок тарихи мобайнида не-не воқеаларни бошидан кечирмаган, унинг тупроғига не-не алломаларнинг, не-не саркардаларнинг, шоирлару-бахшиларнинг пойқадамлари тегмаган, дейсиз? Гуё ҳозирги кунга қадар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби буюк ватандошларимиз бу ерда юргандек.

Шаҳримизнинг тарихи бўйича ўтказилган илмий-амалий анжуман иштирокчилари бўлган тарихчи, археолог олимларимизнинг кўпчилиги унинг ёшларини 2400 йилга тенг деган фикрни билдиришди. Айни пайтда туман ва шаҳар ҳокимликлари Хўжайлининг 2400 йиллик юбилейини ўтказишни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эътиборига ҳавола қилишни илтимос қилмоқдадир. Шаҳримиз тўйини ўтказиш халқимизнинг ўзига ва келажакка бўлган ишончининг янада орттишига, руҳининг кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

«Халқ сўзи» муҳбири Хайитбой АБДУСОДИҚ суҳбатлашди.

ҒОПИЛЛАР ПОЙТАХТГА ТАШРИФ БУЮРИШАДИ

Қашқадарёда «Истеълод-95» деб номланган замонавий қўшпик ижрочиларнинг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда вилоятнинг Қарши, Усмон Юсупов, Косон, Касби, Муборак, Ғузор, Яқсабоб, Қамаш, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳридан жами 35 ёш ижрочи иштирок этиб, маҳоратларини синаб кўрдилар. Собиржон ва Эркинжон Аминов, Усмон Бердиев, Соҳида Эшонқуллова, Икром Аҳмедов совринли ўринларни олишга муяссар бўлишди. Мазкур вилоят кўрик танлови ғолиблари республика миқёсида ўтаётган танловда иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. Гуамира МУСАЕВА.

ЧЎҚМОР ИШ БЕРДИ

Томди туманидаги Керезбўлоқ йилловларига бўри оралаб қолди. Бу биринчи ферма бош чўпони Гулмурод Қорабоевни ташвишлантириб қўйди. Кечаси чўқморини елгага қўйиб қўраларни айланиб юрганди, узоқдан шамолдек елиб келаётган бўрини кўриб ўзини пангага олди. Аттанг, милтиғи йўқ эди... Гулмурод ака ўзини йўқотмай қўйларга ҳужум бошлаган бўрига ташланди. Бу гал чўқмор иш берди. Икки-уч зарбан сўнг жомоа чорчасига зарар етказган йиртқич ерга чўзилди.

(ЎзА).

«ХўЖА НАСРИДДИН...» ЮНЕСКОГА МАЪҚУЛ КЕЛДИ

Биз Бухоро маданият бошқармасида бўганимизда, унинг раҳбари М. Фармонова телефонда Деҳди билан галлашган экан. У соғи инанч тилида. Истиқлол бизга миллий гурур, фахрларини ҳиссини ҳади этди. Зеро, ана шу ноёб туйғуларини мустиқилликимизни мустиқиллаштириш асосий омиллардан биридир. Келинг, фикримизни опа билан суҳбатимиз асосида билиб олганимиз маъқул.

— Мохира Фаттохона суҳбатимиз индаллосин юртимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтган «Бухоро ва жаҳон маданияти» халқаро симпозиумидан бошласек. Унда республикамиздан ташқари Америка, Англия, Франция, Швейцария, Туркия ва бошқа хорижий давлат Халқаролик давлатларида келган энг кучли тарихчи ва археолог олимлар иштирок этди. Бу симпозиумдан қутулган натижаларга эришилдим?

— Авалбалом, бундай халқаро анжумани ташкил этиш учун кўп елиб-югуришга тўғри келди. Бизга вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ва унинг тасаруфидоғи институтлар, Фанлар Академиясининг тарих ҳақида археология институтлари яқиндан туриб ёрдам берди. Бу на фақат Бухоро, мамлакатимизнинг жаҳонга чиқиши сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди, десек муболага бўлмас. Чунки, анжуманда иштирок этган дунё олимлари Ўзбекистон халқи ва унинг қадимий шаҳарлари билан яқин-

дан танишдилар. Уз навбатида, биз ҳам юртимиз тарихи ҳақидаги янги маълумотларга эга бўлдик. Хар қалай, ўтмиш аждодларимиз бизга қолдириб кетган анагина бойликлар, қолаверса, ноҳир кўлёмаларнинг кўпчилиги хорижий мамлакатларга тарқалиб кетганига анча бўлди. Афсуски, бу жағрамада маблаг жуда ҳам оз, ҳомиёлар эса топилмапти. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ, ЮНЕСКО билан бир нечта ёзишмалар олиб бордик. Натижада бизнинг «Хўжа Насриддин тақлиф этади» дастуримиз улларга маъқул келди ва уни нуфузли ташкилот ўз таркибига оладиган бўлди. Маълумки, ЮНЕСКОнинг 1987 йилдан бери «Бутун дунё маданияти ривожланишининг ўн йиллиги» юриши давом этмоқда. Ушбу халқаро ташкилотнинг маданий ишлари бўйича раис Урибосари Генри Лорес жанобларидан бизнинг дастуримиз ҳам ана шу юришда ўз ақсини топиши ҳақида жаваб хати олди. Бу ҳам Ўзбекистонга катта обрў-эътибор келтиради, десак ҳато қилмаймиз.

Бундан ташқари, мен ЮНЕСКО

«Марказий Осиё мамлакатларида маданий мерос ва урф-одатларнинг сақланилиши ҳақида ўрганилиши» борасидаги маъруза менга юкланган. Дунёнинг 500 га яқин олимлари иштирок этадиган конгрессда сўзлаш камингага зўр гурур ва катта масъулият юклагани ҳам табиий. Шунга яраша тайёргарлик кўриб, керакли ишларни амалга оширишимиз.

Эсингадда бўлса, 1992 йили Бухорода «Хўжа Насриддин тақлиф этади» кулги кун ташкил этилган эди. Шундан бери кулги кун анъанавий тус олиб, ҳар йили тақдорланиб турибди. Қолаверса, унинг «ёнсонпарварлик ва хайрия» жамғармаси ҳам ташкил топганига анча бўлди. Афсуски, бу жағрамада маблаг жуда ҳам оз, ҳомиёлар эса топилмапти. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ, ЮНЕСКО билан бир нечта ёзишмалар олиб бордик. Натижада бизнинг «Хўжа Насриддин тақлиф этади» дастуримиз улларга маъқул келди ва уни нуфузли ташкилот ўз таркибига оладиган бўлди. Маълумки, ЮНЕСКОнинг 1987 йилдан бери «Бутун дунё маданияти ривожланишининг ўн йиллиги» юриши давом этмоқда. Ушбу халқаро ташкилотнинг маданий ишлари бўйича раис Урибосари Генри Лорес жанобларидан бизнинг дастуримиз ҳам ана шу юришда ўз ақсини топиши ҳақида жаваб хати олди. Бу ҳам Ўзбекистонга катта обрў-эътибор келтиради, десак ҳато қилмаймиз.

Бундан ташқари, мен ЮНЕСКО

Халқ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бўлимлар: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Тўғри муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — К. Рихсиев. Навбатчи — Ҳ. Ҳайдаловов.